

“ЮСУФ ҚИССАСИ” ВА “ЎТГАН КУНЛАР” АСАРЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ-ТИПОЛОГИК ТАҲЛИЛИ

Усмон Ўралович ҚОБИЛОВ
филология фанлари номзоди
Самарқанд давлат университети

Аннотация

Мақолада Шарқда кенг тарқалган “Юсуфнома”ларнинг гўзал намунаси саналган Рабғузийнинг “Қисаси Рабғузий” асаридаги Юсуф қиссаси Абдулла Қодирийнинг “Ўтган кунлар” асари билан қиёслаб ўрганилган. Ушбу асарларда образлар тасвиридаги ўзига хослик ва муштарак жиҳатлар очиб берилган. Ҳар икки асарда муҳим ўрин тутган ишқ талқини қиёсига алоҳида эътибор қаратилган.

Калит сўзлар: бадий ифода, қиссачилик, роман жанри, ишқ талқини, ижодкор шахсияти, Юсуф образи, Отабек образи, қиёсий таҳлил, туш эпизоди, мавзу ва ғоя.

СОПОСТАВИТЕЛЬНО-ТИПОЛОГИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ ПРОИЗВЕДЕНИЙ “ПОВЕСТЬ ОБ ИОСИФЕ” И “МИНУВШИЕ ДНИ”

Усмон Уралович КОБИЛОВ
кандидат филологических наук
Самаркандский государственный университет

Аннотация

В статье впервые в сопоставительном плане проанализированы произведения Рабгузи «Повесть об Иосифе» и А. Кадыри «Минувшие дни». В статье раскрыты сходство и своеобразие образов главных героев. Вместе с тем сопоставительно проанализирована тема любви в двух изучаемых произведениях.

Ключевые слова: художественное отражение, повествование, жанр романа, личность писателя, сопоставительный анализ, тема и идея.

COMPARATIVE-TYPOLOGICAL ANALYSIS OF THE WORKS "THE STORY OF JOSEPH" AND "THE PAST DAYS"

Usmon Uralovich KOBILOV
Candidate of Philological Sciences
Samarkand State University

Abstract

This article studies comparatively the works "The Story of Joseph" by Rabghuzi and "The Past Days" by A.Kadiri. for the first time. It reveals the similarities and peculiar features of the images. At the same time, the theme of love reflected in the works is illuminated.

Keywords: artistic reflection, narrative, novel genre, writer's personality, comparative analysis, theme and idea.

Шарқ фалсафий-бадий тафаккурида ишқ азалдан то абад қадар олам меҳвари эканлиги дарж этилади. Аслида ишқ-муҳаббат ҳам тайёр бир ҳодиса эмас, балки у уйғоқ бир туйғу, покдамон ва эзгу амаллар рўёбидир. Унинг оловланиши, ёлқинланиши эса дил, жон ва руҳни шишадек тиниқлаштиради. Бадий ижодда Фарҳод, Мажнун, Юсуф, Вомиқ, Отабек сингари образлар бежиз уларнинг ижодкорларидан кўра ҳам машҳурроқ бўлиб кетмади.

Ижодкор шу маконда, шу оламда тирикликнинг абадийлигини излайдиган бир тоифа. Ижод ва ишқ уйғунлиги, эҳтимол, шу туфайлидир. Алишер Навоий: *Кўнгилни зам ила тўқ айла, ё Рабб, Мени шу ишқ ичра йўқ айла, ё Рабб*, – деганида шуни назарда тутгандир, балки. Олам аҳли бино бўлгандан буён топгани шу кўйдаги изтироб бахтидир. Акс ҳолда, узоқ ўтмишдан келган обидада ифодаланган туйғу “Ўтган кунлар” романи билан боғланмаган бўларди. Гап илдизи узоқ асрларга бориб тақаладиган “Юсуф қиссаси” ҳақида бормоқда. Тағзаминига илоҳий манбалар пойдевор бўлган “Юсуфнома” мавзуси жаҳон адабий жараёнида ранг-баранг жанрларда сўз санъатининг хилма-хил масалаларини ифодалаб келмоқда. Ушбу мавзунинг бадий асарлардаги ифодасига қараб адабиётнинг эътиборини қозонган жиҳатларини тахмин этишимиз мумкин. Шунда ҳам масала умумий томонлардан санаб ўтилишга тўғри келади. Чунки “Юсуфнома” ҳар бир асар ёки ижодкор талқинида ўзига хос бир маъно касб этган. “Юсуфнома”нинг бадий адабиёт ва инсоният эътиборини ўзига кўпроқ чорлаган икки нуқтасини эътироф этиш ўринлидир. Биринчиси – кенг маънодаги ишқ масаласи бўлса, иккинчиси – “Юсуфнома”даги катта оптимистик рух. “Юсуфнома” бошқа рангин фазилятларидан ташқари, мана шу икки хусусияти билан бадий-эстетик тафаккурда “олам аро танҳо”лигини намоён эта олади.

Алишер Навоий “Лисон ут-тайр” асарида маънавий рух олами ададсизлигини Қақнус тимсолида келтириб ўтилади. Ҳар битта пари бир рангда бўлган Қақнус қушининг минқоридан сайраганида жонни олувчи бир оҳанг тараларкан. Умр бўйи ўтин йиққан Қақнус умрининг сўнггида ўтин хирмони устига чиқиб “ҳазин оҳанг” ва “дилкаш наво” таратаркан. Қақнуснинг сўнгги навосидан хирмонга ўт кетар экан. Хирмон ёнганда, Қақнус ҳам қўшилиб ёнар ва ўтинлар билан бирга кулга айланаркан. Бу тоғдай кул хирмонидан Қақнусбача пайдо бўлар экан. Бу қушча ҳам ўтин йиғар ва умри поёнида ота Қақнус ишини такрорларкан. Навоий Қақнус тимсолида Шайх Аттор ҳолидан хабар беради. Агар у ота Қақнус бўлса, мен бола Қақнусман, – дейди. Достонда тамсил икки улуг ижодкор –Фариддиддин Аттор ва Алишер Навоий сиймосида акс эттирилган. Энди бу ҳодисани бадий адабиётда “Юсуф ва Зулайхо” ва “Ўтган кунлар” асарига, бадий образлар оламида эса Юсуф ва Отабек тимсолларида қиёс этиш мумкин. Бошқача айтганда, Фариддиддин Атордаги илоҳий-ижодий рух ўн бешинчи асрга келиб Алишер Навоий сиймосида аксини берганидек, “Юсуф қиссаси”даги руҳият йигирманчи аср бадий тафаккур оламида “Ўтган кунлар” романида, Юсуф тимсолидаги дардчиллик эса Отабек образида қайта уйғонгандек таассурот қолдиради. Шу боис, бу икки асарда олам жозибаторлиги ва одамнинг сиру синоати масалаларида бир нуқтада туташадиган жиҳатлар кўзга ташланади.

“Юсуфнома”лар туркуми тарихи ниҳоят қадимийдир. У – илоҳий манбалар, оғзаки ёзма адабий анъаналар, талқинлар билан ҳам зийнат топган обида. Шу жумладан, “Ўтган кунлар” ҳам бежиз бирдан пайдо бўлган эмас. У ўзбек халқи туйғулари ичра яшаб, Абдулла Қодирий феноменидан юзага қалқиб чиққан санъат асари деб баҳоланишга лойиқдир. Тўғри, ёзувчи Абдулла Қодирий “Юсуфнома” мавзуси ҳақида бирор мулоҳаза билдирган эмас (Романда “Далойил ун-нубувва” ҳақида эслатма бор). Адиб асарнинг “Ёзғувчидан” қисмида қадим ишқ мавзусини анъанавий тараннум этиб келган асар ва образ – тимсоллар ҳақида тўхталиб, “халқимизни шу замоннинг “Тоҳир-Зухро”лари, “Чор дарвеш”лари, “Фарҳод-Ширин”лари ва “Баҳромгўр”лари билан таништиришга...мажбурият ҳис этгани”ни айтади. Бундан кўринадики, ёзувчи наздида Отабек ва Кумуш қадим ишқ аҳли образларининг янгича фасоналаридир. Шарқ адабиётида ишқу муҳаббатни тимсоллаштириш ўзининг катта тажрибасига эга. Бу иқтибосда “янги замон “Юсуф-Зулайхо”лари” тилга олинмаган бўлса-да, муаззам Шарқнинг ишқ руҳида битилган бошқа намуналари эътироф этилади. Бизга маълумки, Шарқ адабиётида “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Вомиқ ва Узро”, “Баҳром ва Дилором” сингари ишқ саргузаштларидан сўз юритган машхур асарлар бир сюжет ёки мавзу бўлиб қолиб кетмаган. Балки бадиий адабиёт ва айниқса, мумтоз шеърининг доимий тасвир объекти бўлиб келган. Бошқача айтганда, бу образ – тимсоллар ҳамма даврлар лирик қаҳрамони қалбида яшаб қолган. Масалан, Алишер Навоий ёки ундан олдин ва кейинги даврлар шеъринида тасвир этилган Фарҳод ёки Мажнун тимсоллари шу мавзудаги дostonлар образлари билан тенглашиб қолади. Айни мавзуда асарлар битмаган шоирлар лирикасини ҳам бу образлар талқинисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бу эса, мазкур мавзу ва асарлар нақадар катта қимматга эга эканлигини далиллаш билан бирга, образларнинг ҳаётийлиги ва мангулигини ҳам кўрсатади. Бир қарашда Шарқ адабиётининг бу машхур ишқ дostonлари бир мавзунинг акс эттиргандек фикр уйғотади. Аслида, бундай эмас. Ҳар бир асарда мавзу ўзига хос ифода йўсинини топган. Масалан, “Фарҳод ва Ширин”да ишқ туйғуси меҳнату машаққат, ўзликни англаш йўлидаги заҳмат, комиллик ифодаси орқали, “Лайли ва Мажнун”да илоҳий жазба, дарвешона хулқ йўлида содир бўлган воқеалар асносида намоён бўлади. Худди шундай хусусият “Ўтган кунлар”да ҳам бор, фақат унда ишқ ижтимоий руҳ ва маъно касб этади. Бу “Ўтган кунлар”нинг реалистик тасвир услуби ҳамда Отабек ва Кумушнинг эса “шу замон” қаҳрамонлари эканлиги билан боғлиқдир. “Юсуфнома”да эса бошқа ишқ афсоналаридан фарқ қиладиган ўзгача манзаралар ҳам намоён бўлади. Унда ишқ ошиқ қамоли ва жамолидан келиб чиқади. “Юсуфнома” мавзусида дунё адабиётида қанчалик кўп асар битилган

бўлмасин, Юсуф тимсоли мумтоз шеъриятда Фарҳод, Мажнун тимсолларига караганда миқдор жиҳатдан камроқ учрайди. Ҳатто Юсуф тимсоли бирмунча самарали бўлса-да, Юсуф ва Зулайхо образлари ёнма-ён ёки Зулайхо образининг ўзи алоҳида – лирик талқинларда кам кўзга ташланади. Бу, фикримизча, “Юсуфнома” мавзуси бадиий адабиётни образ – тимсоллар тарзидан кўра, бутун руҳий кўлам билан қамраб олинганлиги билан характерланади. Яъни, Юсуф лирик талқиндаги маъшуқа учун тенг бир тимсол бўлиб келади. Ваҳоланки, мумтоз ишқ шеърияти масалалари бадиий талқинида ошиқдан кўра маъшук олдинги сафда туради, яъни “маъшуклар ошиқлиги ошиқларнинг ошиқлигидан ошиқ”дир. Бу жиҳатлардан ёндашилса, мумтоз адабиёт оламида “ошиқ жон” образи бир бора ишлатилса ҳам юксак кадр топади. Бунга биргина “Вомиқ ва Узро” асари яққол мисолдир. Ушбу саргузашт туркий – ўзбек адабиётида алоҳида ижод намунаси бўлиб кўзга ташланмаса-да, мумтоз шеъриятнинг дилбар образи сифатида бўй кўрсатди. Шунини таъкидлаш керакки, бир томондан, жаҳон адабиёти сингари ўзбек адабиёти намуналарини ҳам “Юсуфнома”га менгзаш имконсиздир. Иккинчи томондан эса “Юсуфнома” ҳар қандай санъат асари билан қиёсий таҳлил этилишида чегарасиз ҳамдир. Таққос этиб бўлмайдиган жиҳати – “Юсуфнома” ҳикмат ва тақдир битиги, ибрат ва намуна сабоғи сифатида бунёд этилганлиги бўлса, қиёс имконининг кенглиги – унда инсон ва ҳаёт масалалари мажозан бўлса-да, барча жиҳатлари билан ифода этилганидир. Яъни, инсон ва ҳаётга тегишли неки муҳим бўлса, у “Юсуфнома”да ўз аксини топган. Бу жиҳатлардан “Ўтган кунлар” сарлавҳаси биланок “Юсуфнома” мавзусига яқин бир руҳ касб этади. Ҳар икки фабулада “мавзу мозийдан” келиб чиқади. Шунда ҳам бир нарса муҳимки, ҳақиқий санъат асари учун мавзу мозий, давр ёки келажакдан танланишидан қатъи назар ҳар вақт замонавий бўлиб қолаверади. Бунинг сирларидан бири – мангуликка дахлдор ҳис-кечинмалар “лойи” билан қорилган бўлишидир. Айни жиҳатлардан “Юсуфнома” туркуми билан “Ўтган кунлар” буюк бир ижодий тажрибадир. “Юсуфнома”да бу масалалар, чунончи, ишқ мавзуси нубувват давридан ибтидо олса, “Ўтган кунлар”да “хон замонлари”дан олинади. Асарда макон ва замон қаҳрамонлар руҳиятига ҳам дахл қилади. Нубувват оламда инсон синови билан боғлиқ мақом бўлса, ижтимоий шу синовдан баҳоли қудрат омон ўтган инсонга берилган инъомдир. Шу жиҳатдан “Юсуфнома”ларда Юсуф доимий назардаги синов кишиси бўлиб гавдаланади. Отабек эса шу моҳиятни англаган дилбар образдир. Бунинг устига икки вужуд учун ҳам яна бир инъом ато этилган бўлиб, бу “хону султон қизига лойиқ”ликдир. Уни хоҳ ошиқлик, хоҳ маъшуклик деб айтайлик, лекин “жуда оз йигитларга муяссар бўладиган юрак жавҳаридир” – ишқдир, муҳаббатдир. Ишқ – калимаси табиатан “ашақа”, яъни

“зарпечак”, “чирмовуқ”, муҳаббат эса – “хубба”, яъни “уруғ”, “ерга сепилган дон” маъноларини билдирса, топоғон сўз санъати ўсимликни ўраб куритадиган бу чирмовуқни “ошиқ дил”ларни ўртайдиган ишққа, маъшук юзларни сарғартирадиган муҳаббатга нисбат қилиб олади. Яъни, бунда муҳаббат ишқдан олдинги белги бўлиб кўринади. Шу жиҳатдан “Юсуфнома” ҳам, “Ўтган кунлар” ҳам биринчи навбатда “ишқ ва ҳижрон уйи, муҳаббат ва висол хонадонидир”. “Юсуфнома”да ота бағрида ўсиб улғаймасдан кин, адоват гирдобига йўлиққан жигаргўша ҳижрони Яъқубни хун қилганидек, савдо билан машғул Отабек “бошидаги савдолар” ҳам Юсуфбек Хожини савдойи қилади. Юсуф ҳам, Отабек ҳам, аввало, инсон. Инсон бўлганда ҳам масъул инсонлардир. Бирида инсоният бошидаги нубувват, иккинчисида Туркистон дардидаги ижтимоий ҳаёт ҳисси бор. Бироқ шу туйғуларга баробар келадиган бир вужуд “хужраси”да “севги ҳам япроқ” ёзади. Энди бу масалада йўллар айро тушади. Миср азизининг хотини Зулайхо Юсуф дийдорига ташна бир дилдор сифатида бўй кўрсатса, Мирзакарим Қутидор қизи Кумушга “эндигина мурти сабз урган бир йигит” ошнойдил бўлиб қолади. Бу туйғулар ўсади, унади, завол кўради, камол топади. Эътиборли жиҳати – Юсуфнинг ҳам, Отабекнинг ҳам “маҳзун кўнглига ёмонлик, айнан, дилраболардан келади”. Зулайхо жисмидаги туйғулар найрангларни келтириб чиқарса, Кумуш латофатидаги “жонсўзлик” атрофга дилбахшлик ато этади. Миср юрти маликалари Юсуф хуснида бармоқларини кесиш даражасига борсалар, Кумуш дардида ҳам бир эмас, бир қанча жонлар увол топган эди. Бунинг устига Зайнаб Отабек “дардига дард кўшиб туради”. Юсуф ўзини зиндон балосидан асраш билан бирга юртни қаҳатчилик офатидан сақлаш тадоригини амалга оширса, Отабек ҳам ўлим ва қабоҳат чангалидан қутулиб, тарқоқ Туркистон рўшнолиги учун жонфидолик кўрсатади. Зулайхо қисматида “азал котиблари” Юсуф билан покдомонлик васли ёзувини битган бўлса, Кумушбиби ҳам турли тўсиқларга қарамасдан бир муддат бўлса-да Отабек билан висол онларига эришади. Аслида, бадий адабиётда ҳар қандай мафтункор жуфтлик тимсоли яратилганда, орадаги восита муҳаббат деб аталади. Уни, яъни ишқни шу икки дил кашф этади, ишқ гавҳари шу икки дил дийдиёсидан бир сир – руҳ бўлиб бино бўлади. Бирида ишқни ошиқ маъшуқага шайласа, бирида уни маъшуқа ошиқликка ҳозирлайди. Ишқнинг комиллиги “ошиқни маъшукқа ва маъшукни ошиққа” айлантиради. Навоий таъбири билан айтилганда, “ишқ агар комилдурур, ошиқ қилур маъшукни ҳам”. Бу йўлда фан, фалсафа, ахлоқ қанча ҳикмат ахтармасин, уни кўхна Шарқ маърифатидек безавол туйғуга айлантира олмаганлиги бор гап. Шундан Фарҳод ва Ширин, Лайли ва Мажнун, Вомиқ ва Узро ораларидаги ишқ фоний оламдан бақо диёрига кўчади. Ва ишқ, ошиқ ва маъшук мўътабарлигича қолади. Абдулла Қодирий ҳам Шарқ адиби сифатида

Отабек ва Кумуш, Анвар ва Раъно ораларидаги жудоликдан чўчимаган. Аксинча, ўша “уруғ”нинг пок дилларда унганлигидан ва ундиролганлигидан шодланган. Қаҳрамонларнинг айрилиқ кўз ёшларини ҳам самимий муҳаббат туғдиради. Ва ҳатто адибнинг суюкли образи вафотидан йиғлагани ҳам ночорлик эмас, балки уларни ўз дунёсидан айро ҳис этолмаганида, ортик даражадаги меҳридан эди. Бу Абдулла Қодирийнинг бир он Отабек тимсолида яшаганлигини ҳам билдиради. Юсуф тимсолида эса бир эмас, балки бутун Шарқ мумтоз адиблари яшаб кўргандир. Чунки мумтоз ижодкор борки, алоҳида бадиий асар битмаганлари ҳам ҳеч бўлмаса, бир бора “Юсуфнома” тилсимига мурожаат этган. Масалан, Атойи томонидан ёзилган “Хусну малоҳату караму лутф бобидин, Юсуфқа бири бўлса, бегим, сизда бори бор” – байтида “хусн, малоҳат, карам, лутф – буларнинг биттаси Юсуфда бўлса, сизда барчаси бор”, тарзида фикр юритилган. Бунда, албатта, биттаси дея таъкидланаётгани – ҳусндир.

Шу ўринда “Ўтган кунлар”га эътибор қаратайлик. Асарнинг “Ой-куни яқин эди” боби сўнгги ишқ хазони бўлиб кўринади. Чунки, бунда Кумуш: “ – Ойи....дада... – сўнгра, – бегим, – деб ингранди...Эрининг юзини юзига кўйди, уялгансумон кўзини юмди...”. Бу ўринда байт ва жумлалардаги “Бегим” сўзи эътиборни тортади. Менинг назаримда Юсуф тимсоли баҳонасида айтилган “бегим” ва “Ўтган кунлар”да ишлатилган “бегим” гарчи турли маъно ифодаласа-да, умуман бадиий адабиёт оламининг ёрқин саҳифасини ташкил этади. У байтда маҳбубага нисбатан ишлатилган бўлса, “Ўтган кунлар”да муҳибга нисбатан қўлланилган. Лирик нутқ ҳам, эпик нутқ ҳам дилхуш кайфият уйғотади. Бу бадиий ифода “Юсуфнома” туркуми ва “Ўтган кунлар”дагидек ҳеч бир асарда қўлланилган эмас.

“Юсуфнома”нинг руҳбахшлигида туш эпизоди ҳам муҳим ўрин тутаяди. Абдулла Қодирий ҳам бундай усулдан фойдаланишда ўзига хос маҳорат кўрсатган. “Юсуфнома”нинг бошқа асарлардан фарқли томонларидан бири – туш эпизоди бўлиб, у асар боши, ўртаси ва охирида бирдек келади. “Юсуфнома”да тугун, воқеалар авжи, ечим туш эпизоди билан боғлиқ ҳолда олиб борилади. Бу асарга ўзгача руҳ бағишлайди. Айтиш мумкинки, туш воқеаси асарнинг тағқатламини ҳосил қилади. Шундан “Юсуфнома” мавзуси талқинида барча тур асарлар, чунончи, лирик ифодалар ҳам бу лавҳага ўрин ажратади. Масалан, Алишер Навоий *Тушта Юсуф ҳайъатин кўрдум ҳабибим ёдидин, Гўйи ул қолип, бу руҳи маҳз учун андозадур*, – деганида “Юсуфнома” туш русуми билан боғлиқ эканлигини назарда тутган. Унда “маҳбуб хаёлида юрган лирик қаҳрамон тушида Юсуф сурати намоён бўлганлиги” дарж этилади. Бунда гўё сурат “руҳ андозаси учун” бир қолип, яъни шаклгина, холос. Аслида, маҳбуб қаршисида олам “Юсуфнома” туркумида

айтилганидек, бир тушдир. “Ўтган кунлар”да ҳам Юсуф ва Отабек кўрган тушлар келажак ҳақидаги башорат сингари рўй беради. Юсуф тушида ўн бир юлдуз, қуёш ва ойни кўради. Улар Юсуфга сажда қилади. Ана шу туш рамзи “Юсуфнома”га асос бўлиб хизмат этган. Шу каби Отабек ҳам туш кўради. Унда: “Чаманда гуллар очилган эмиш...Бу гулшан унинг ўзиники эмиш... ул ранго-ранг чечаклардан кўзини ололмас эмиш. Теваракка келган ёвдан хавф бор эмиш... Ханжарини ушлаб ёвга қарши чиққан эмиш... Ёв қочқан эмиш... Ёв орасида онаси ҳам бор, отаси ҳам кўринар эмиш... қайтиб чаманга кирса, бир сигир гулни босиб, янчиб ўтлаб юрган эмиш... Бу ҳолдан ўзини унуткан ва кўлидаги ханжари билан сигирга югирган эмиш... Сигир эмас сариқ сочлик албасти эмиш... Дармонсизланган ва ханжари кўлидан тушкан эмиш... дунёни қоронғулик босқан эмиш...”. Бу туш рамзи ҳам “Ўтган кунлар” ижтимоий мазмунини белгилаб беришга хизмат этади. “Юсуфнома”да туш нубувват билан боғланган тимсолларда акс этса, “Ўтган кунлар”да ижтимоий ҳаёт фонини очиб беради. Яъни, биринчисида талқин самовий руҳда, сайёралар билан боғлиқликда рўй берганлиги нубувват мавзусига хосликни билдиради. “Ўтган кунлар”да эса туш рамзияти ижтимоий маъно ифодалаб, ота – Туркистон ва она – Ватан дарди билан боғланади. Яъни, нубувват мартабасида дард умумбашарий, ижтимоий масала талқинида эса миллий руҳда акс этади. Бундан кўринадик, туш эпизоди асар қайси руҳда бўлса, шунга монанд рамз вазифасида келади. Яна бир жиҳатга эътибор қаратиш муҳим. “Ўтган кунлар”да Отабекнинг туши Туркистон бошига тушаётган кўргуликлардан огоҳлик сифатида ҳам бадиий вазифа бажариб келган. Бу ҳолат “Юсуфнома”да ҳам бор. Унда Юсуф тушга таъбир айтиб, Миср халқини очлик ва қаҳатчиликдан асраб қолади. Туш бирида огоҳликка, иккинчисида озодликка ишорадир. Хуллас, “Юсуфнома” ва “Ўтган кунлар”ни хилма-хил вариантларда қиёслаш мумкин. Бу таққослар сюжетларда ҳам, бадиий деталларда ҳам, образ-тимсолларда ҳам, мавзу-мундарижада ҳам самаралар беради. “Юсуфнома” сюжетига қараганда, “Ўтган кунлар” сюжети жуда ёш. Шу сабабли ҳам “Юсуфнома” бутун дунё адабиётида эпик, лирик талқинларда “нашъу наъмо” этиб, ҳозирги кунгача яшаб келмоқда. “Ўтган кунлар” эса гарчи йигирманчи аср биринчи чораги маҳсули бўлса-да, кейинги истиқлол йилларига келибгина кун кўра бошлади. Эндигина бу “Тошкентлик севишганлар” (хорижда шу номда чоп этилган) мавзусида лирик ифодалар юзага келмоқда. Бироқ бу асарлардаги ўзга масалалар, чунончи, ижтимоий воқеликларни ишқ – муҳаббат билан биргаликда тасвирлаш тажрибаси эса бадиий адабиётда буюк бир кашфиёт даражасига кўтарилгандир.

“Юсуфнома” ва “Ўтган кунлар” образлари таснифида ҳам бир-бирига яқинлик кўринади. Масалан, ҳар икки асарда ҳам ота (Яъқуб, Юсуфбек хожи),

Ўғил (Юсуф, Отабек), маъшук (Зулайхо, Кумуш) образлари ҳажр, ишқ, дийдор мавзуларини келтириб чиқаради. “Юсуфнома”да Юсуфдаги чексиз гўзаллик Зулайхони номус пардасидан чиқарган бўлса, “Ўтган кунлар”да ҳам афифа Кумушбибига нисбатан Отабекда “ишқ, ҳам чин бир ишқ туғулади”. Ёки “Юсуфнома”да отаси Яъқуб хонадонидан адоват боис кетганлигидан сўнг Юсуф саргузаштлари бошлангани сингари, “Ўтган кунлар”да ҳам Отабекнинг савдо ишлари билан Марғилонга бориши билан воқеалар бошланади. “Ўтган кунлар”даги энг дилбар эпизод, яъни “Сиз ўшами?” лавҳаси “Юсуф ва Зулайхо”да ҳам учрайди. “Ўтган кунлар”да Отабекдан ёлғиз зурриёд бўлиб Ёдгор қолса, “Юсуфнома”да Юсуфдан набий авлод қолмайди. Ҳар икки асарда ҳам хиёнат ва разолатга бардош, тақдир ёзиқларига гўзал бир итоат, ҳақсизлик ва адолатсизликка сабр қилиш туйғулари юксак маҳорат билан акс эттирилган.

Хуллас, мангу масалалар, абадий мавзулар ифодасига бағишланган ҳар қандай асар ўзида шу сифатларни акс эттириши мумкин. Бунга узоқ ўтмишдаги бир фабула асосида шаклланган “Юсуф қиссаси” ҳамда асримиз бошларида битилган “Ўтган кунлар” асарлари яққол мисолдир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Alisher Navoiy. To‘la asarlar to‘plami. O‘n jildlik. 1–10-jildlar. – Toshkent: O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligi G‘afur G‘ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2012.
2. Абдулла Қодирий. Ўтган кунлар. Роман. – Т., 1992.
3. Носириддин Бурҳониддин Рабғузий. Қисаси Рабғузий. Биринчи китоб. –Тошкент: Ёзувчи, 1990. – 240 б.
4. Носириддин Бурҳониддин Рабғузий. Қисаси Рабғузий. Иккинчи китоб. –Тошкент: Ёзувчи, 1991. – 272 б.
5. Сирожиддинов Ш. Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили. – Тошкент: Академнашр, 2011. – 326 б.
6. Султонов И. Адабиёт назарияси (Қайта ишланган ва тўлдирилган учинчи нашри. Масъул муҳаррир: Н.Каримов). – Т.: Ўқитувчи, 2005. – 270 б.